

ЯНГИ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМНИНГ МИКРО ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИДАГИ ФИКРИЙ СИЛЖИШЛАРЛАРГА ТАЪСИРИ

Н.Б. Холматов, ТДШИ докторанти, и.ф.н.

E-mail: mbojmirzaev7@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақола янги институционализмнинг айрим замонавий намоёндалари томонидан илгари сурилган назарияларнинг мазмунига бағишланган бўлиб, бу қарашларнинг замонавий иқтисодий назария ривожланишидаги таъсири тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, замонавий иқтисодий назария ва таълимотларнинг хилма-хиллашуви шароитида микро ва макроиқтисодиёт соҳасидаги фикрий силжишларнинг айрим институционал жиҳатлари ёритилган.

Аннотация: Настоящая статья посвящена к сути продвинутом теориям современных представителей неоинституционализма, их влияния развитию экономической теории. А также, раскрыты некоторые институциональные аспекты развития микро и макроэкономики в условиях многообразности современных экономических теорий и учений.

Abstract: This article is devoted for the analysis of the modern institutional theory and effects of institutional aspects in the developed micro and macroeconomics theory. Also, modern economic theory and wide range of views related to this sphere were communicated.

Калит сўзлар: янги институционализм, институтлар, трансакцион харажатлар, мулк ҳуқуқлари, оппортунистик ҳаракат, шартномалар тармоғи, хатти-ҳаракатлар иқтисодий назарияси, ижтимоий танлов назарияси

Кириш

Замонавий иқтисодиёт назарияси ва таълимотлар ривожланишида йўналишларнинг кўпайиб бориши асосий тенденциялардан бири ҳисобланади. Иқтисодий жараёнлар ва қонуниятларни очиб беришда уларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга. Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиёт тузилишининг такомиллашиб бориши ва глобал тузилмаларга интеграциялашув шароитида мазкур назария ва таълимотларни атрофлича ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Янги институционализм намоёндалари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муаммоларга ўзига хос ёндашуви билан илмий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Институтлар, трансакцион харажатлар, мулк ҳуқуқлари, оппортунистик ҳаракат тушунчалари орқали қатор иқтисодий муаммолар тушунтириб берилган. Бугунги кунда шартномалар тармоғи, хатти-ҳаракатлар иқтисодиёт назарияси, ижтимоий танлов назарияси кабилар замонавий назариялар ҳисобланади. Мақолада уларнинг айрим намоёндалари фикрлари ёритиб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда янги институционализм йўналиши мазмуни ўрганилган тадқиқотлар кўп эмас, илмий адабиётлар эса санокли ҳисобланади. Мавжуд манбаларнинг айримларида илк институционализм ва унинг намоёндалари тўғрисида маълумотлар учрайди. Ўзбек олимларидан Б.Беркинов томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларини алоҳида кўрсатиш мумкин(1-2). С.Сафоев раҳбарлигида муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Инсон ривожланиши” номли ўқув адабиётида ҳам янги

институционалистлар таълимотларининг мазмуни батафсил ёритиб берилган. Айниқса, Амартъя Сеннинг илмий қарашлари мантиқий кетма-кетликда, инсон тараққиёти мақсадларига мос ҳолда тушунтириб берилган(3). Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсад ва вазифаларини ёш тадқиқотчиларнинг идрок этишда жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хорижий давлатларда янги институционализм назарияси етарлича ўрганилган ва ривожлантириб келинмоқда. Бу соҳада тадқиқотлар олиб борган етакчи иқтисодчи олимлардан бири Буюк Британиялик Марк Блаугдир. У ўзининг “Кейнсдан кейинги 100 буюк иқтисодчи” номли асарида янги институционалистлар тўғрисида батафсил маълумот берган [4].

Россияда ҳам мазкур мавзу атрофлича ўрганиб келинмоқда. Масалан, Худокормов А.Г. томонидан ва унинг раҳбарлигида замонавий иқтисодий назария ва таълимотлар тадқиқ этилган(5). Бу тадқиқотларда янги институционализм ва унинг намоёндалари асарлари таҳлил қилинган.

Россияда янги институционализм йўналишининг етакчи вакилларида бири Р.М.Нуреев ҳисобланади. У Россия иқтисодий ривожланишини институционал таҳлил қилган. Шунингдек, бозор иқтисодиёти қарор топишининг институционал концепциясини тадқиқ этган [6-8]. Россиялик иқтисодчилар А.Е. Шаститко ва А.Н.Олейниклар томонидан янги институционал иқтисодиётга бағишланган ўқув адабиётлари ёзилган [9-10].

Янги институционализмни ўрганишда ушбу йўналишда самарали илмий фаолият олиб борган хорижлик олимлардан О.Уильямсон, Д.Норт, Ж.Бьюкенен, Ж.Стиглиц, Ха Джун Чхан асарларини ўқишни тавсия этиш мумкин [11-22].

Албатта, янги институционализм иқтисодий тафаккур тараққиётида, иқтисодий назария негизидан XX аср охири ва XXI аср бошида фаол шаклланди. Бу замонавий иқтисодий таълимотлар ривожланишидаги сўнгги тенденциялардан бири дейишимиз мумкин. Шу сабабли унинг шаклланиш босқичларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо, биз ўз тадқиқотимизда янги институционализмнинг микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда ўзига хос ёндашувларининг айримларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологияси янги институционализмнинг методологиясига таянади. Иқтисодий жараёнларни ўрганишда иқтисодиётдаги микробўғинлар - фирма, уй хўжалиги ва давлатдан иборат бозор субъектларининг ички мазмунини ўзига хос “микроскопик” тадқиқ этиш, фирманинг табиатини ўрганишда фирмага “ўзгариб турувчи битимлар тармоғи” сифатида ёндашув, бозор ва бозордан ташқари ҳолатлар ўзгаришини ўрганишда самарадорлик, мувозанат каби иқтисодий назария илмий аппаратидан унумли фойдаланиш, бошқа фанлар билан кесишувда тадқиқотларни ривожлантириш орқали иқтисодий тадқиқот чегараларини кенгайтириш, жамиятнинг институционал тузилиши ва миллий иқтисодиётни ўрганишда ялпи даромад, ялпи талаб, ялпи жамғармалар, истеъмол каби агрегат кўрсаткичлар билан чекланмасдан, балки уларни жамиятнинг ижтимоий таркиби ва тарихий ўзгаришлар доирасида ўрганиш анъанаси янги институционализм

методологиясининг таркибига киради. Психологларнинг тадқиқотлари ва эмпирик кузатишлар ҳам ушбу йўналишнинг тадқиқот усулларида ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий иқтисодий назария ва таълимотларнинг хилма-хиллашуви, йўналишларнинг кўпайиб бориши микро ва макроиқтисодиёт соҳасидаги фикрий силжишларни жадаллаштириб юборди. Шулардан сўнги даврда қизиқиш ортаётган ва трансформациялашаётган иқтисодиётларда тобора оммалашиб бораётган назарий оқимлардан бири янги институционализм ҳисобланади. Бу назарий йўналиш замонавий иқтисодий назариянинг тадқиқот методологиясини такомиллаштирмоқда ва уни мазмунан бойитмоқда. Таъкидлаш ўринлики, янги институционализм атамаси америкалик таниқли иқтисодчи О.Уильямсон томонидан илмий муомалага киритилган. Янги институционализмнинг марказида трансакциялар назарияси, мулк ҳуқуқлари назарияси ва контракт (битим) ёндашувлари назарияси туради. Трансакцион харажатлар, мулк ҳуқуқлари, оппортунистик ҳаракат, шартномалар тармоғи тушунчалари янги институционализм вакиллари томонидан фундаментал тадқиқотларнинг таянч тушунчаларига айлантирилган.

Ҳозирда замонавий институционализм тадқиқотларида “наноиқтисодиёт” тушунчасининг гипотезалари шаклланган ва ривожланиб бормоқда. Бу йўналишнинг асосий мазмуни шуки, иқтисодчи олимлар иқтисодиётдаги микробўғинлар - фирма, уй хўжалиги ва давлатдан иборат бозор субъектларининг ички мазмунини ўзига хос “микроскопик” тадқиқ этишга уриниб кўрмоқдалар. Жумладан, “микромикроиқтисодиёт” тушунчаси доирасида фирма, уй хўжалиги ва давлатнинг ички ўзига хос иқтисодий ва мулк муносабатлари моҳияти ўрганилади.

Янги институционализмнинг илк ғоялари Р.Коузнинг 1937 йилда нашр этилган «Фирманинг табиати» мақоласида эълон қилинган бўлса, кейинчалик унинг фикрдошлари “микромикроиқтисодиёт” (нейроиқтисодиёт) йўналишини ривожлантиришди. Уларнинг умумий ёндашувига кўра, фирмалар назарий жиҳатдан олиб қараганда, аслида ўзаро савдо битими шартномаларини тузишга кетадиган харажатларни - трансакцияларни имкон даражасида камайтириш мақсадида ҳаракат қиладилар. Фирма “ўзгариб турувчи битимлар тармоғи” бўлиб, хусусий, жамоавий-кооператив, акционерлик ва давлат корхоналарини таҳлил қилишда кучли ва кучсиз, устун ва камчилик нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилишга имкон яратади.

Янги институционализм вакилларида яна бири Г.Беккер бўлиб, у бозор ва бозордан ташқари ҳолатлар ўзгаришини ўрганишда максималлаштириш, самарадорлик, мувозанат каби иқтисодий назария илмий аппаратида унумли фойдаланган. Унинг тадқиқотларида ирқий камситилиш, жиноятчилик, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларига кенг ўрин берилади. Г.Беккер “иқтисодий империализм” тушунчасини ҳам илмий муомалага киритган¹.

Янги институционализм вакиллариининг тадқиқотлари иқтисодиёт фанининг келажаги унинг фақат соф иқтисодий муаммолар ичида чегараланиб қолиш эмас, балки унинг бошқа фанлар билан кесишувида тадқиқотларни ривожлантириш орқали тадқиқот чегараларини кенгайтиришга боғлиқлигини кўрсатди. Уларнинг ёндашувида “макромакроиқтисодиёт” тушунчаси “мегаиқтисодиёт” тушунчаси билан ёнма-ён

¹Қаранг: Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. Пер. с англ. Под ред. М.А. Сторчевого. – СПб.: Экономическая школа, 2005. – 332 стр.

қўйилди. Жамиятнинг институционал тузилиши тадқиқ этилганда эса, айниқса, миллий иқтисодиётни ўрганишда ялпи даромад, ялпи талаб, ялпи жамғармалар, истеъмол каби агрегат кўрсаткичлар билан чекланилмасдан, балки уларни жамиятнинг ижтимоий таркиби ва тарихий ўзгаришлар доирасида ўрганиш анъанаси ривожлантирилган.

Жамият институционал тизимининг тарихан ўзгариб бориши батафсил ёритилган тадқиқотларнинг классик намунаси таниқли иқтисодчи Дуглас Нортнинг 1989 йилда нашр этилган “Институтлар ва иқтисодий ўсиш, тарихий кириш” мақоласидир. Бу мақолада XVI–XVIII асрларда Англия ва Испаниянинг хўжалик ва ижтимоий тарихи қиёсий таҳлил этилган. Испаниянинг Англияга нисбатан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишда орқада қолиши сабаблари кўрсатилган. Олимнинг хулосасига кўра, ушбу мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг ҳал қилувчи омили – бу мамлакатлар ўзининг тарихий ривожланиш йўлига боғланганлиги билан изоҳланади. Бу мамлакатлар эволюцион шаклланган тизимдан узоққа кета олишмаган, бу жараёнда тарихан узоқ даврда шаклланган урф-одатлар, анъаналар, нормалар ҳам сезиларли таъсирга эга бўлган.

Д.Нортнинг таъкидлашича, институтлар расмий чекловлар (тамойиллар, қоидалар, қонунлар) ва норасмий чекловлар (ахлоқ, хатти-ҳаракат нормалари, битимлар, келишувлар, ихтиёрий қабул қилинган чекланишлар) ҳамда индивидларга турли даражада таъсир кўрсатиш механизмларидан иборатдир. Олим ўзининг “Маҳаллий воқеликни билиш ва институционал ислохотлар” (2004) мақоласида айниқса, постсоциалистик мамлакатларда, ислох қилинаётган жамият тарихи ва маданий меросини ҳисобга олмасдан туриб иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлайди².

Янги институционал назария вакиллари ҳисобланган Р.Коуз, Г.Беккер, Д.Бьюкенен ва Д.Нортлар ўз тадқиқотларида Ғарб анъанавий назарияларига хос бўлган қатор чекловларнинг аксариятини олиб ташлайди; бу билан улар жамият ривожланишини ижтимоий-иқтисодий таҳлил этиш тамойилларини самарали қўллаш имкониятини янада кенгайтиришади.

Ўтган асрнинг 1970-80-йилларда классик микроиқтисодиётга ёнма-ён ривожланган илмий йўналишлардан бири “хатти-ҳаракатлар иқтисодий назарияси” (behavioral economics) ҳисобланади. Бу йўналиш концепциясининг асосчиларидан бири Нобель мукофоти лауреати Герберт Саймондир. Унинг фикрича, агар микродаражадаги хатти-ҳаракатларни кузатиш имкониятига эга бўлинмаса эди, у ҳолда, макродаражадаги прогнозларни етарли даражада тўғри, деб қабул қилса бўлар эди. Аммо, бугунги кунда микродаражадаги ўзгаришларни кузатиб турадиган тадқиқот усуллари бор. У қарор қабул қилиниши жараёнидаги хатти-ҳаракатлар ўзгаришини кузатишнинг бир қанча усуллари мавжудлигини таъкидлаган. Жумладан, лаборатория кузатувлари ва психологларнинг тадқиқотлари, иқтисодий субъектлар мутлақ ёки мукамал рационаллик эмас, балки чекли рационаллик тамойилларига таянган ҳолда қарор қабул қилишини кўрсатмоқда. Фирмаларнинг бир хил муаммоларни ечишда турли ўзига хос чора-тадбирлардан фойдаланишлари анъанавий микроиқтисодий назарияларнинг айрим шарт-шароитларини инкор

²Қаранг: Мировая экономическая мысль...Сквоз призму веков ./коллектив авторов. Худокормов А.Г. и др. –Мысль, Москва, 2005, 5-том, 1-китоб. - 709 б..

қилади. Эмпирик кузатишлар (буни case studies деб номлашган) буни исботламоқда. Шу сабабли у фирмаларнинг мукаммал рационаллик тамойилига асосланган классик назариясини фирмаларнинг алтернатив хатти-ҳаракатлари назариясига алмаштириш керак, деб ҳисоблайди³. Бу хатти-ҳаракат онгли етарлилик (қаноатланиш) тамойилига амал қилиш ва ўзига мос энг қулай вариантни қидириш билан тавсифланиши лозим. Вазият доим ўзгарганлиги боис, фирмалар бир муаммонинг ечими бўйича турли даврда турли қарорлар қабул қиладилар ва турлича ечим қидирадилар.

Behavioral economicsнинг таниқли намоёндаларидан Рейнгард Зелтен ва Вернон Смитларнинг фикрлари ҳам диққатга сазовор. Рейнгард Зелтен экспериментал иқтисодий назария асосчиси ҳисобланади. У экспериментал иқтисодий назарияда қарорлар қабул қилиш моделини яратган. Моделда учта омил мавжуд. Булар одатлар, тасаввур ва мантиқий фикрлашдан иборат. Қарор қабул қилишда шу омилларнинг биттаси, икkitаси ёки бир вақтда учтаси ҳам қатнашиши мумкин.

В.Смит фикрича, бозорнинг мавжудлиги муҳим бўлсада, бозорнинг таркибий тузилиши ва институционал компонентларнинг хусусиятлари такомиллашганлиги ундан ҳам муҳимроқдир. Бозор тузилмаларининг институционал композициясига боғлиқ ҳолда бозорда ҳаракатланаётган индивидларнинг қарори ўзгаради, шунга кўра, натижалар ҳам турлича бўлади.

Айтиш ўринлики, Р.Коузнинг трансакцион харажатлар таълимоти кейинчалик мулк ҳуқуқлари иқтисодиёти (намоёндалари Г.Рамсец, А.Алчиан) ҳамда ҳуқуқ иқтисодиёти (намоёндалари Р.Познер, Е.Калабрези) йўналишлари шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Шунингдек, иқтисодий ташкилотлар назарияси (етакчилари Р.Коуз, А.Алчиан, Г.Мансей, У.Меклинг, М.Джонсон); ижтимоий танлов назарияси (етакчилари Д.Бюкенен, Г.Таллок); “иқтисодий империализм” концепцияси (намоёндаси Г.Беккер) кабиларни ҳам янги институционализм йўналиши таркибига киритиш мумкин. Юқорида келтирилганларнинг барчаси у ёки бу даражада қуйидаги методологик ва категориялар аппаратида таянади:

- “иқтисодий одам” - homo economicus ва индивидуализм концепцияси;
- институционал муҳит ва институционал ўзгаришлар;
- трансакциялар ва трансакцион харажатлар;
- мулк ҳуқуқлари;
- контракт муносабатлари;
- оппортунистик хатти-ҳаракатлар.

Ижтимоий танлов назарияси (*public choice theory*) билан Виржиния штати университетларида фаолият кўрсатган олимлар шўғулланганлиги сабабли “янги сиёсий иқтисод” тарафдорларини умумлаштириб Виржиния мактаби, дейилади. Унинг таниқли намоёндаси Жеймс Бюкенен ҳисобланади. Замонавий ижтимоий танлов назариясининг асосий элементлари – методологик индивидуализм, homo economicus концепцияси ва “сиёсат - айирбошлаш воситаси сифатида” концепциясидан ташкил топган.

Ж.Бюкенен 1962 йилда Гордон Таллок билан ҳаммуаллифликда “Келишув ҳисоб-китоби конституцион демократиянинг мантиқий асослари” китобини нашрдан

³Қаранг: Мировая экономическая мысль...Сквоз призму веков ./коллектив авторов. Худокормов А.Г. и др. –Мысль, Москва, 2005, 5-том, 1-китоб, 346-бет.

чиқарган. Бу асари билан у сиёсий иқтисоднинг виржиния мактабига асос солган дейиш мумкин. Унинг 1960 йилда “Сиёсий иқтисод ва фискал назария”, 1966 йилда “Демократик жараёнларда ижтимоий молия”, 1975 йилда “Эркинлик озодлик чегараси”, 1977 йилда “Демократия етишмовчилиги” (Р.Вагнер билан) асарлари нашр этилган. У 1980 йилларда самарали илмий тадқиқотлар олиб борган. Унинг “Солиққа тортиш ҳуқуқлари” (1980), “Қоидалар асоси” (1985) асарлари, “Эркинлик, бозор ва давлат: 1980 йиллар сиёсий иқтисоди” (1986), “Иқтисодий назария: башорат қилувчи фан ва ахлоқий фалсафа орасида” (1987), “Конституцион иқтисодий назария бўйича тадқиқотлар” (1989), “Иқтисодий назария ва конституцион тартиб этикаси” (1991) мақолаларида Виржиния мактабининг ўзига хос тадқиқот предмети ҳисобланган макроиқтисодий қарорлар қабул қилишнинг ижтимоий-сиёсий механизми шаклланиши⁴. Буларнинг барчаси янги институционализм йўналишини мазмунан бойитиб, ушбу йўналишнинг халқаро илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиши йўлида салмоқли роль ўйнаган. Олим 1986 йилда иқтисодий ва сиёсий қарорлар қабул қилишнинг конституцион ва битим (келишув) асосларини тадқиқ этганлиги учун Нобель мукофотига сазовор бўлган эди.

Яна бир илмий йўналиш - “Конституцион иқтисодиёт” шаклланиши истиқболлари, жумладан, конституцион инқилоб тинч йўл билан содир бўлишининг институционал ва ахлоқий-этик шартлари бўйича таҳлиллар 1980-90 йилларда олимлар томонидан бойитилган. Айтиш ўринлики, ғарб жамиятларида индивидларнинг демократик жамиятдаги хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндиси бозор иқтисодиётининг “юмшоқ инфратузилмаси” бўлиб хизмат қилади. Янги институционализм вакиллари индивидуализм методологиясига таянган ҳолда сиёсий иқтисод фанини сиёсатшунослик ва иқтисодий назария кесишувида ривожлантиришган. Бу назарияга улар “конституцион сиёсий иқтисод” номини берганлар.

Шу ўринда Ж.Бьюкененнинг бир фикри эътиборга моликдир. Унинг фикрича, агар давлат миллий маҳсулотнинг учдан бир қисмини тасарруф қилса, у ҳолда олимлар сиёсий қарорлар қабул қилишнинг индивидуал жиҳатларини тадқиқ этишлари, норматив актларнинг жамият турли қатламлари учун турлича татбиқ этилиши жараёнини ўрганишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бу вазиятда ижтимоий неъматларни яратиш муаммосини ҳал этиш масаласи кўндаланг туради. Масалан, кўчаларни ободонлаштириш харажатлари жамият аъзоларига тенг тақсимлансада, лекин, ундан келадиган фойда-наф нотекис тақсимланади. Фойда нотекис ва харажатлар текис тақсимланса, ижтимоий неъматлар етарли ишлаб чиқарилмайди. Агар бунинг акси бўлса, яъни, фойда тенг, харажатлар нотекис бўлса, ижтимоий неъматлар ортиқча ишлаб чиқарилади.

Янги институционалистлар томонидан лоббизм феномени атрофлича тадқиқ этилган. Жумладан, бу масалани ҳам Ж.Бьюкенен батафсил ўрганган. У логроллинг, яъни, “ходани юмалатиш” феноменини ўрганар экан, ғарб амалиётида депутатларнинг лоббиланаётган лойиҳаларни ўтказиш учун ўзаро зимдан келишиб олишини алоҳида ҳодиса сифатида ўрганган. Сиёсат индивидлар ўртасидаги ўзига хос айирбошлашнинг мураккаб тизимидир, бу ерда индивидлар ўзларининг хусусий

⁴Қаранг: Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. Пер. с англ. Под ред. М.А. Сторчевого. – СПб.: Экономическая школа, 2005. – 332 стр.

мақсадларига эришиш учун жамоавий ҳаракат қилишади, чунки, улар оддий вазиятда бозор шароитидаги айирбошлаш жараёнларида бу мақсадларига кутилган даражада эриша олмасликлари мумкин.

Конституция - бу умумий олиб қаралганда макроқарорларни қабул қилиш қоидаларидан иборат. Қонуннинг ўзи эса фақатгина ижтимоий неъмат ҳисобланмайди, балки *ижтимоий оилани* шакллантирувчи кучдир. Қонуннинг бузилиши - бу ижтимоий капиталнинг бузилиши деб қабул қилинади.

Янги институционализм йўналишларидан бири - *клиометрикани* ривожлантирган етакчи олимлар Дуглас Норт ва Роберт Фогел ҳисобланади. Бу тушунча *клио* – тарих мусиқаси, *метрика* – ўлчаш маъноларини билдиради. Бу олимлар иқтисодий тарихни ривожлантирганликлари учун 1993 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлган.

Янги институционализмнинг иқтисодий тафаккурдаги фикрий силжишларга таъсири Д.Норт ижодида ҳам акс этади. Д.Нортнинг дастлабки илмий мақоласи “Минтақавий иқтисодий ўсиш ва географик жойлашув назарияси”⁵ мақоласи бўлиб, у 1955 йилда чоп этилган. 1961 йил эса у “1790-1860-йилларда Қўшма Штатларда иқтисодий ўсиш”⁶ китобини нашрдан чиқарган. У Л.Девис билан бирга 1970 йилда “Америкада иқтисодий ўсиши ва институционал ўзгаришлар”⁷ мақоласини, 1973 йилда эса Р.Томас билан “Ғарб дунёсида ўсиш: янги иқтисодий тарих” монографиясини ёзади. Д.Нортнинг фикрича, институтлар ва технологиялар бири-бирига ижобий таъсир кўрсатади ва натижада иқтисодий ўсишга олиб келади.

Айтиш ўринлики, 1960-70-йилларда Д.Норт янги институционализмнинг фаол тарғиботчисига айланди. Норт иқтисодий ўсишга унинг омиллари ўсиши сифатида қараш етарли эмас, деб ҳисоблади. Чунки, инновация, миқдор ўзгариши, таълим, капитал жамғариш кабиларнинг ўзи ҳам ўсиш бўлиб, бундан уларни иқтисодий ўсишга асосий сабаб бўлувчи омиллар, деб айтишга асос етарли эмас. Бу ерда бошқа жиҳатлар ҳам бор. Иқтисодиёт мавжуд иқтисодий бирликлар – ташкилот, фирма, корхоналар фаолияти самарали бўлмаса, етарли суръатларда ва миқёсларда ривожлана олмайди. Жамоавий ва хусусий манфаатдорлик мувозанатлашган ҳолда таъминлансагина индивидлар ижтимоий фойдали ҳаракат қила бошлайдилар.

Д.Нортнинг 1990 йилда “Институтлар, институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг амал қилиши” фундаментал асари нашр қилинди. Бу замонавий институционализм ғоялари батафсил тарғиб қилинган йирик асар ҳисобланади.

Институтлар – бу жамиятдаги турли ўйин қоидалари йиғиндиси бўлиб, қоидалар жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишига мос келиши керак. Бу муносабатлар ўзгарувчан бўлганлиги сабабли давлатнинг бошқарув концепцияси узлуксиз ривожланувчи тадрижий мазмунга эга бўлади⁸. Бошқарув институтлари фаолиятининг натижадорлиги эса ташкилий харажатларнинг борган сари камайиб бориши билан ўлчанади. Трансакцион харажатлар қисқача айтганда, иқтисодий ёки ҳуқуқий тизимдан фойдаланишга кетадиган сарф-харажатлардан иборат. Уларга қуйидагилар киритилади:

- ахборотни қидириб топиш харажатлари;

⁵ North D. Location Theory and Regional Economic Growth // Journal of Economic History. 1955. Number 63.

⁶ North D. The Economic Growth of the United States, 1790-1860. Englewood Cliffs. 1961. Number 4.

⁷ Davis L., North D. Institutional Change and American Economic Growth // Journal of Economic History. 1970. March.

⁸ Қаранг: Человеческое развитие. Учебник / Коллектив авторов. – 2-е издание. – Т.: УМЭД, ПРООН, 2011. – 272 с.

- ўлчаш харажатлари(стандартлар, шартли оғирликлар, зарарли аралашмаларни сақлаш ва бошқалар);
- музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш харажатлари;
- юқори ва қуйи ташкилотлар режасининг мувофиқлаштирилиши билан боғлиқ харажатлар;
- камёб ресурсларни қидириб топиш харажатлари;
- мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатлари, оппортунистик хатти-ҳаракатлар, яъни бозорда тез-тез юзага келадиган ахборотлар асимметрияси билан боғлиқ ҳаракатлар харажатлари (назорат аппаратининг “семириб кетиши”, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ошириб кўрсатиш, охири кўринмайдиган ёзишмалар ва бошқалар).

Дуглас Норт институтларнинг ўрта таркибий қисмини ажратиб кўрсатади. Булар:

- расмий қоидалар – конституция, қонунлар, маъмурий актлар, шартномалар;
- норасмий чекловлар – анъаналар, ўдумлар, ихтиёрий равишда қабул қилинган шартномалар, келишувлар, ғурур ва шон-шараф кодекси, қадриятлар, касбий тушунчалар;
- мажбурлаш механизми – қоидаларга амал қилишни таъминловчи муассасалар(суд, полиция ва бошқалар)⁹.

Инсон тараққиёти концепциясининг шаклланишида ҳам институционализм намояндалари тадқиқотлари муҳим роль ўйнаган. Улар ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ташқари инсон тараққиёти даражасини аниқлашда икки фундаментал масалага эътибор қаратганлар: меҳнат ўнумдорлиги ўсиши кўрсаткичи иқтисодий кўрсаткич сифатида қаралса, эркинлик даражасининг ўсиши эса ижтимоий кўрсаткич сифатида баҳоланади.

Замонавий институционалистлардан бири ҳисобланган Ж.Стиглиц ижтимоий тенгсизлик ва ахборотларга эгалик қилишдаги тенгсизлик масалаларини таҳлил қилган. Унинг фикрича, жамиятда барча ҳам бирдай ахборот олиш ва уни қайта ишлаш имкониятларида тенг шароитга эга эмас. Демак, иқтисодий ҳокимият кимда ахборотни имтиёзли олиш ҳуқуқи бўлса, шунга тегишли бўлади. Бозор тўғрисидаги ахборотларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги шароитида минглаб тадқиқотчилар ягона ахборот атмосфераси остида бир вақтда ҳаракат қилади. Мукаммал ахборот модели шароитларида яратилган моделлар номукаммал ахборот тизими шароитидаги моделлар билан тўлдириши керак. Бу ахборот парадигмаси тушунчасини ифодалайди. Бозор муваффақиятсизлигининг муҳим кўринишларидан бири - бу ўзоқ давр мобайнида инсон ресурсларидан етарли даражада барқарор фойдаланиш шароитининг мавжуд эмаслигидир. Ж.Стиглиц глобаллашувнинг замонавий назариялари ривожлантирган олимлардан бири ҳамдир¹⁰.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлил натижаларидан келиб чиқадиган асосий хулосани қуйидагича умумлаштириш мумкин.

⁹Қаранг: Человеческое развитие. Учебник / Колл. авторов. – 2-е изд. – Т.: УМЭД, ПРООН, 2011, 272-276 стр.

¹⁰Қаранг: Стиглиц Ж. Ревущие девяностые. Семени развала. - М.: Современная экономика и право, 2005. Глобализация: тревожные тенденции”. -М.: Мысл, 2003.

Замонавий иқтисодий назария ва таълимотлар ичида сўнгги даврда қизиқиш ортаётган ва трансформациялашаётган иқтисодиётларда тобора оммалашиб бораётган назарий оқимлардан бири янги институционализм ҳисобланади. Бу назарий йўналиш замонавий иқтисодий назариянинг тадқиқот методологиясини такомиллаштирмоқда ва уни мазмунан бойитмоқда. Ҳозирда замонавий институционализм тадқиқотларида “наноиқтисодиёт” тушунчасининг гипотезалари шаклланган ва ривожланиб бормоқда.

Янги институционализмнинг вакиллари “микромикроиқтисодиёт” (нейроиқтисодиёт) йўналишини ривожлантиришди. Уларнинг умумий ёндашувига кўра, фирмалар назарий жиҳатдан олиб қараганда, аслида ўзаро савдо битими шартномаларини тузишга кетадиган харажатларни - трансакцияларни имкон даражасида камайтириш мақсадида ҳаракат қиладилар. Янги институционализм вакиллари томонидан “иқтисодий империализм” тушунчаси ҳам илмий муомалага киритилди.

Янги институционализм вакиллари тадқиқотлари иқтисодиёт фанининг келажаги унинг фақат соф иқтисодий муаммолар ичида чегараланиб қолиш эмас, балки унинг бошқа фанлар билан кесишувида тадқиқотларни ривожлантириш орқали тадқиқот чегараларини кенгайтиришга боғлиқлигини кўрсатди. Уларнинг ёндашувида “макромакроиқтисодиёт” тушунчаси “мегаиқтисодиёт” тушунчаси билан ёнма-ён қўйилди.

Янги институционал назария вакиллари ўз тадқиқотларида жамият ривожланишини ижтимоий-иқтисодий таҳлил этиш тамойилларини самарали қўллаш имкониятини янада кенгайтиришади. Ғарб жамиятларида индивидларнинг демократик жамиятдаги хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндиси бозор иқтисодиётининг “юмшоқ инфратузилмаси” бўлиб хизмат қилди. Янги институционализм вакиллари индивидуализм методологиясига таянган ҳолда сиёсий иқтисод фанини сиёсатшунослик ва иқтисодий назария кесишувида ривожлантирди.

Замонавий институционалистлардан бири ҳисобланган Ж.Стиглиц ижтимоий тенгсизлик ва ахборотларга эгалик қилишдаги тенгсизлик масалаларини таҳлил қилган. Унинг фикрича, жамиятда барча ҳам бирдай ахборот олиш ва уни қайта ишлаш имкониятида тенг шароитга эга эмас. Демак, иқтисодий ҳокимият кимда ахборотни имтиёзли олиш ҳуқуқи бўлса, шунга тегишли бўлади. Бозор тўғрисидаги ахборотларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги шароитида минглаб тадқиқотчилар ягона ахборот атмосфераси остида бир вақтда ҳаракат қилади. Мукамал ахборот модели шароитларида яратилган моделлар номукамал ахборот тизими шароитидаги моделлар билан тўлдириш керак. Бу ахборот парадигмаси тушунчасини ифодалайди. Бозор муваффақиятсизлигининг муҳим кўринишларидан бири - бу узоқ давр мобайнида инсон ресурсларидан етарли даражада барқарор фойдаланиш шароитининг мавжуд эмаслигидир. Ж.Стиглиц глобаллашувнинг замонавий назариялари ривожлантирган олимлардан бири ҳамдир.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни тадқиқ этишда, иқтисодиёт назарияси объекти ва предметини ўрганишда турли ижтимоий фанлар билан интеграциялашувни йўлга қўйиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни иқтисодий муаммоларга боғлаб ўрганишнинг тизимли механизминини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Янги институционализм йўналишини ва унинг намоёндалари илмий

фаолиятини чуқурроқ ўрганиш орқали жамиятда юзага келаётган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни комплекс ўрганиш ва назарий ишланмаларни яратиш, тегишли амалий хулосалар ишлаб чиқиш имкониятини янада кенгайтириш мумкин. Хусусан, қўйидаги йўналишларда тизимли тадқиқотларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг туб мақсадларига мос келади: ижтимоий тафовутлар ва ахборотларга эгалик қилишдаги тенгсизлик масалаларини таҳлил қилиш; бозор тўғрисидаги ахборотларни тизимли равишда такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш; мукамал ахборот модели шароити учун яратилган моделлар номукамал ахборот тизими шароитидаги моделларни ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш. Шунингдек, узоқ давр мобайнида инсон ресурсларидан етарли даражада барқарор фойдаланиш шароит-шароитларини яхшилаб бориш имкониятларини ўрганиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Berkinov B. Institutional iqtisodiyot. - T.: TDIU, 2005. 246 b.
2. Беркинов Б. Иқтисодиётни институционал ривожлантириш — долзарб масала. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил, www.iqtisodiyot.uz.
3. Человеческое развитие. Учебник / Коллектив авторов. – 2-е издание. – Т.: УМЭД, ПРООН, 2011.
4. Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. Пер. с англ. Под ред. М.А.Сторчевого. – С-Пб.: Экономическая школа, 2005. – 332 стр.
5. Мировая экономическая мысль. Сквоз призму веков /коллектив авторов. Худокормов А.Г. и др. – Мысль, Москва, 2005, 5-том, 1-китоб, 751 б.
6. Нуреев Р.М. Институционализм: вчера, сегодня и завтра. В кн. «Институциональная экономика». Учебное пособие / А.Олейник. – М.: ИНФРА-М, 2010. - 356 с.
7. Нуреев Р.М. Экономическая история России (опыт институционального анализа) : учебное пособие / Р.М. Нуреев, Ю.В. Латов. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016. - 268 с.
8. Нуреев Р.М. Теории развития: институциональные концепции становления рыночной экономики // Вопросы экономики. 2000. № 6. С. 126 – 145.
9. Шаститко А.Е. Новая институциональная экономическая теория / А.Е. Шаститко. Изд. 3-е, перераб. и доп. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2002.- 591 с.
10. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2012. – 416 с.
11. Уильямсон О.Е. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки и отношенческая контракция / О.Уильямсон. - СПб.: Лениздат, 1996. - 702 с.
12. Williamson O.E. Economic Institutions: Spontaneous Mid International Governance Text. / O.E. Williamson 11 Journal of Law, Economics, and Organisation. №7 (Sp). - P. 159-187.
13. Williamson O.E. The New Institutional Economics. Taking Stock. Looking Ahead Text. / O.E. Williamson // Journal of Economic Literature. 2000. -Vol. 38, № 3. - P.598.

14. North D. Location Theory and Regional Economic Growth // Journal of Economic History. 1955. Number 63.
15. North D. The Economic Growth of the United States, 1790-1860. Englewood Cliffs. 1961. Number 4.
16. Davis L., North D. Institutional Change and American Economic Growth // Journal of Economic History. 1970. March.
17. North D. Thomas R. The Rise of the Western world: A New Economic History. Cambridge Univ. Press, 1973.
18. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М. 1997.
19. Stiglitz J.E. Globalisation and Its Discontents Text. / J.E. Stiglitz. New York: W.W. Norton&Co, 2002. - P. 214.
20. Стиглиц Ж. Глобализация: тревожные тенденции. М.: Мысль, 2003.
21. Стиглиц Ж. Ревущие девяностые. Семена развала. М.: Современная экономика и право, 2005.
22. Чхан Х.Дж. «23 тайны: то, что вам не расскажут про капитализм». – М.: АСТ, 2014. – 320 с.